



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 23 ноябр, сешанба № 187 (1820)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда минтақавий низоларнинг олдини олишга. Марказий Осиё ва Афғонистонда барқарорликни янада мустаҳкамлашга бағишланган халқаро конференция бошланди.

Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Сиёсий тадқиқотлар маркази ва Буюк Британия халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган маъруза анжуманида АҚШ, Европа ва МДХ мамлакатларидан экспертлар, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий ақалтеррор тузилмаси, НАТО, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик

корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқдалар.

Икки кун давом этадиган анжуманда Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга оид ҳамда халқаро террорчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, курол-яроғ контрабандаси, уюшган жиноятчилик каби дунёвий муаммоларга қарши курашда ҳамкорликни фаол-

лаштиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С.Сафоев ялли хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган муаммоларга қарши ҳамкорликда ва изчил курашгандагина кутилган натижага эришиш мумкинлигини таъкидлади. Ўзбекистон бу курашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Президент Ислам Каримов кўп бор таъкидлаганидек, хавфсизлик йўлида кенг қўллами халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни давр

тақозо этмоқда.

Минтақавий хавфсизлик ҳақида гап кетганда, Афғонистонни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Зеро, бу мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилмас экан, нафақат Марказий Осиё, балки дунё хавфсизлиги жиддий таҳдид остида қолаверади. Шу боис конференция қатнашчилари Афғонистондаги вазият юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Афғонистон ҳамон халқаро миқёсдаги гайриқонуний нарқобизнеснинг таянч нуқтаси бўлиб қолаёттир, - деди Буюк Британия халқаро муносабатлар институти вакили Жеймс Никсей. Европада ноқонуний сотиладиган оғунинг қарий 90 фоизи Афғонистон ҳудудида етиштирилган. Шундай экан, бундай муаммага барҳам беришнинг ягона йўли

барча мамлакатларнинг ҳамжихатлигида, бир ёқадан бош чиқариб курашишидир.

Тадбирда террорчиликнинг молиявий илдизларини йўқ қилиш борасида ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар таҳлил қилинади.

Конференция иштирокчилари Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий низоларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Россия, АҚШ, Европа давлатлари билан ҳамкорликда амалга оширадиган дастур ва лойиҳаларини муҳокама этадилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов сўзга чиқди.

(Ўза)

СИЁСИЙ РАҚОБАТ ВА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР

Давлатимиз раҳбари томонидан жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш масаласи қатъий тарзда қўйилиб қўйилганлиги бежиз эмас. «Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида, авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини қўлайлаштириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши қучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган қучли механизмларни шакллантириш зарур».

Демократиянинг энг муҳим принципи - одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўйбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим.

Маълумки, фуқаролик жамияти барпо этиш ва ҳуқуқий давлат қуришдек кенг қўллами мақсадга эришиш учун ҳали кўп иш қилишимиз даркор. Бунда, хусусан сиёсий рақобат муаммоси, яъни эркин демократик сайловлар муҳим ўрин тутди.

Бу - қонуниятли ҳол, чунки сайловлар ҳозирги замон демократиясининг асосий институтларидан биридир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 21-моддасининг 3-қисмига биноан: «Халқ иродаси ҳуқуқий ҳокимиятнинг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, яъни таъин қилинган ҳудудда бўлиши лозим».

Демократия йўналиши бир қатор институтлар ва тартиб-қоидалар билан қуролланган. Булар: партиялар, даврий равишда ўтказиладиган сайловлар, сўз эркинлиги, сайлов чоғида берилган овозларнинг

ларда ўз аксини топиши лозим. Зеро, сайловлар ўз ўрнида сиёсий тартиб-қоида ҳисобланмайди, балки аъёнаний равишда демократик ҳодиса сифатида таърифланади. Моҳиятан айтганда бўлса, демократик жамиятда сайловлар сиёсий рақобатдан иборат бўлади. Сиёсий рақобат эса, ўз навбатида, жамиятнинг айти чоғида ривожланиш яқини сифатида намоён бўлади. Сиёсий рақобат муайян ижтимоий атмосферада ҳамда оммавий сиёсат натижасини ифода этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай мамлакатда рўй бериши мумкин бўлган ёки рўй бераётган сиёсий жараёнларни англаб етиш учун, аввало, жамият сиёсий тизимига назар ташлаш зарур бўлади.

Сиёсий тизимнинг қўриқчиларидан бири демократик тур ҳисобланиб, унда сиёсий рақобат мавжуд бўлади ҳамда у ривожланиб боради. Демократия йўналиши бир қатор институтлар ва тартиб-қоидалар билан қуролланган. Булар: партиялар, даврий равишда ўтказиладиган сайловлар, сўз эркинлиги, сайлов чоғида берилган овозларнинг

ҳалоллик билан ҳисобланиши, жамоатчилик фикрига йўл берилиши, ижтимоий манфаатларнинг яхлит ҳолда ифодаланиши ва эркин демократик сайловларда сиёсий қучларнинг рақобати кабилардир. Афсуски, замонавий рақобатчи рақобатга асосланган демократиялар унчалик кўп эмас, бироқ сўнгги ўн йилдан зиёдор давр мобайнида мустақилликка эришган янги давлатлар қўшилиши ҳисобига уларнинг сони бир мунча кўпайди. Ўзбекистон Республикаси ана шундай давлатлардан бири. Зеро, сиёсий ҳаётни муттаасил тарзда эркинлаштириб бориш масаласи мамлакатимиз Президентининг доимий диққат марказида. Шунинг учун ҳам у, чунончи, демократиянинг энг муҳим принципларидан бири - одамларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий ижодий, ҳуқуқий замин яратиб беришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шу маънода Юрбокининг биринчи қақриқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида сайловлар жараёнини устувор жиҳатларидан бири сифатида қўйилган таърифлади: «Ҳокимият таъин қилинган навабатдаги сайловлар жамиятнинг эркинлаштириш ва демократик ислоҳотлар йўлида сиёсий тизимини унча катта синов бўлади».

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Сайлов кампаниясининг муҳим босқичи ўз низоюсига етди. Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олди.

Марказий сайлов комиссиясининг сайловдаги тадбирларини ўтказиш бўйича ҳаракатлар дастурига кўра жорий йилнинг 20 ноябрда сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олишга доир мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлига 120 номзод (119 номзод рўйхатга олинди), Ўзбекистон Халқ демократик партияси 120 номзод (118), Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси 89 номзод (89), Ўзбекистон Миллий тиклаш демократик партияси 62 номзод (61), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси 76 номзод учун (74) ҳужжат тақдим этди.

Марказий сайлов комиссиясига рўйхатга олинган 150 дан ортиқ сайловчилар ташаббускор гуруҳидан 86 ҳужжат келиб тушди. Қолганлари 8 фоиз сайловчилар имзосини тўплай олмади.

22 та сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ҳужжатлари тегишли округ сайлов комиссиялари илтимосига биноан қайтарилди, 8 ташаббускор гуруҳ имзо арақаларида бир киши томонидан қўйилган бир неча имзолар аниқлангани боис, улар кўрсатган номзодларни рўйхатга олиш рад этилди. Ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган депутатликка номзод сифатида 56 фуқаро рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссияси жами 531 номзод рўйхати (517 номзод рўйхатга олинди) тақдим этилди. Ҳақиқатда битта сайлов округига 4-5 номзод тўри келди (1999 йили ҳам бу кўрсаткич 4-5 кишини ташкил қилган), 14 киши рўйхатдан ўтмади, бу эса 2,6 фоизни ташкил қилади (1999 йилда 9,2 фоиз эди).

Депутатликка номзодларнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар, сайлов тўғрисидаги қонунийликка мувофиқ, номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва яшаш жойи, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳини кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида сайлов кампаниясида янги босқич - сайловдаги ташвиқоти бошланиши муносабати билан сайлов жараёни иштирокчиларининг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, мажлисда сиёсий партияларни молиялаштириш масаласи хусусида сўз борди.


(Ўза)

«Навоийгаз» худудий газ таъминот корхонаси касаба уюшма кўмитаси томонидан ходимларни ижтимоий ҳимоялашга етарли аҳамият қаратиб келинмоқда. Уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш доимий эътиборда. Ишчилар махсус кийим-бошлар билан тўла таъминланган. Касаба уюшма аъзолари соғлиқларини тиклашлари учун имтиёзли йўлнамалардан фойдаланишмоқда. Шунингдек, корхонада узоқ йиллар меҳнат қилган кекса ишчиларга 50 фоиз арзонлашган газдан фойдаланиш имконияти яратилган.

Суратларда: касаба кўмитаси раиси Бўрон Мустафоев, фаоллар Роза Фахридина ва Абдурашул Шарипов, илгор хизматчилардан Моҳира Ҳайдарова ва Шерзод Рустамов



Икром ХАСАНОВ олган суратлар



чет эл инвестицияси билан ишлайдиганлар 7 тани ташкил этмоқда. 4129 та корхона эса хусусий сектор ҳисобига тўғри келади. Ҳисобот даврида жамоа шартномасига қиритилган 32007 банддан 28097 тасининг бажарилишига эришилди. Жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши учун ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда сарфланган маблағ миқдори давлат улуши билан ишлаётган корхоналардан тармоқлар бўйича тақосланганда, энг яхши кўрсаткич ёқилги-энергетика, геология ва кимё санотиди экани қайд этилганлигини кўриш мумкин. Худудий ва тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шарт-

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

Мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотларнинг бажарилишини таъминлаш, аҳоли қатламларини иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялашда касаба уюшмаларининг ташкилотчилик, ташаббускорлик роли тобора ортиб бораётганини вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши тармоқ кўмиталари, вакилликлари

билан ҳамкорликда 197 миң нафардан ортиқ касаба уюшма аъзолари манфаатини ҳимоялашда бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Вилоят бўйича битта худудий, 27 та вилоят тармоқ ҳамда 28 та туман тармоқ келишувлари тузилган. Бундан ташқари, юридик мақомга эга

бўлган 4440 та ташкилот, корхона ва муассаса иш берувчилари ҳамда касаба уюшма кўмиталари ўртасида жамоа шартномалари қабул қилинган.

Вилоятимизда айти пайтда мулкчилик шакли бўйича давлат улуши умумлашган корхоналар сони 458 тани,

номаси шартларига кўра жорий йилнинг ўтган ярим йили давомида меҳнатқашлардан 683 киши соғломлаштирилди. 1 миң 200 нафарга яқин фарзандларимиз турли оромгоҳларда дам олиб қайтди. Ушбу мақсадлар учун ижтимоий сурғурта маблағларидан 101 миллион 218 миң сўм сарфланди.

(Давоми 2-бетда)

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

64-савол. Қарорлар устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартиби қандай?

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқариш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади. Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқариш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, қузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин ўн кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак.

Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқариш ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

65-савол. Кимлар депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга?

Янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси

ликаси Олий мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг энг муҳим хусусиятларидан бири бу - депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқароларнинг эгаллигидир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ҳар бир сиёсий партия, депутатликка номзодлар кўрсатиши учун, сайлов кампанияси бошланганига эълон қилинган кундан камда олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камда эллик миң сайловчининг имзосини тўплаган бўлиши лозим.

Эллик миң сайловчининг имзосини тўплаш учун белгиланган имзо арақалари сайлов кампанияси бошланганига эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларга берилди.

Мабода, сиёсий партия имзо арақаларини сохталаштирилганига аён бўлиб қолса, бу ҳолда Марказий сайлов комиссияси маъруза сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганда бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганда тугайди.

66-савол. Сиёсий партиялар депутатликка номзодларни қайси вақтдан бошлаб кўрсата бошлайдилар?

Сиёсий партиялар, сайловга олти беш кун қолганда депутатликка номзодлар кўрсата бошлайдилар. Сайловга қирқ беш кун қолганда эса, депутатликка номзодлар кўрсатишни тўхтатишлари лозим бўлади.

(Давоми 3-бетда)

ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК

да далолатнома тузилган. Унга асосан туман солиқ инспекцияси томонидан юқорида номлари қайд этилган ҳайдовчилар Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекс-

да далолатнома тузилган. Унга асосан туман солиқ инспекцияси томонидан юқорида номлари қайд этилган ҳайдовчилар Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекс-

да далолатнома тузилган. Унга асосан туман солиқ инспекцияси томонидан юқорида номлари қайд этилган ҳайдовчилар Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекс-

да далолатнома тузилган. Унга асосан туман солиқ инспекцияси томонидан юқорида номлари қайд этилган ҳайдовчилар Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекс-

Ушбу ҳолат бўйича икки ҳайдовчини маъмурий жазага тортиш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини кўриб чиқиш учун Адлия бошқармаси томонидан Сирғали туман Давлат солиқ инспекциясига хат юборилган эди. Масала ДСИ бошлиғи Э.Назиртоев томонидан синчиқиб ўрганилди ва Бекмухамедов ҳамда Сурмановларга нисбатан асосида равишда қўйилган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарор бекор қилинди. Шу тарихда икки меҳнатқашнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди.

Рустан ХАЙДОРОВ, Тошент шаҳар Адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси, Раҳима ЖУРАҚУЛОВА, «Ишон» мухбири

МАЪМУРИЙ ЖАЗО АССОСИДА РАВИШДА ҚўЛЛанилган

шў йўсинда муомала қилинган. Тезкор тарзда бўлиб ўтган савол-жавобда улар тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга оид гувоҳнома йўқлигини айтишган. Шунда масалага чўчқу ёндоқ шикоятчи муаммолар иштироки-

нинг 176-моддаси 1-қисмига биноан 27.200 сўм миқдорда маъмурий жаримга тортилган.

Маълум бўлишича, қандам масалага бир томонлама ёндошилган. Яъни, масъулият чекланган жамият билан

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

Навоий

ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

(Боши 1-бетда)

Ягона тариф сеткасида белгиланган энг кам иш ҳақини 20 фоиздан 60 фоизгача кўтариш масаласи 156 корхонада ижобий ҳал қилинди. 160 корхонада иш ўринлари аттестацияга ўтказилди. Худудий келишувга асосан 5 минг 452 та янги иш ўрни яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш бўйича касба уюшмалари томонидан ташаббускорлик ва қатъиятлик билан иш олиб бориляпти. Масалан, жорий йилнинг икки чораги мобайнида иш бериувчиларга иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликнинг олдини олиш бўйича 93 марта муурожаат қилиниб, 192 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилди. Шу билан бирга маҳаллий ҳокимиятлар, прокуратура ва суд органларига қилинган 50 та муурожаат туфайли иш ҳақи қарздорлиги бартараф этилди.

Жисмоний тарбия ва спорт – ёш авлодни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишувига катта аҳамиятга эга. Шу боис ҳам кейинги йилларда вилоятимизда спортни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилляпти. Бу муҳим ишдан касба уюшмалари ҳам четда қолаётгани йўқ. Ҳозирги кунда касба уюшмалари спорт жамоаларида 7 минг киши энг оммавий спорт турлари билан шугулланиб, вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда нуфузли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Мисол учун, вилоят ва тармоқ кўмиталари иштирокида Навоий шаҳрида ўтказилган республика худудий мусобақасида вилоятимиз вакиллари ғолиб чиқдилар. Хотин-қизлар ўртасидаги республика худудий босқич беллашувида ҳам спортчиларимиз биринчи ўринни кўлга киритишди. Бу муваффақиятларга эришишда тизимда фидойилик билан меҳнат қилаётган 4 нафар спорт устаси, 31 нафар юқори тоифали мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлди. Яна шунини таъкидлаш лозимки, яқинда Хатирчи ту-

манида замонавий спорт мажмуасининг ишга туширилиши ёш спортчилар учун унутилмас соғва бўлди.

Мамлакатимиз Президентининг 1999 йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан ўзгалар қарамосига муҳтож яқка-ёлғиз қариялардан 601 нафари аниқланиб, уларга жорий йилнинг олти ойи давомида 18 миллион 772 минг сўмлик 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Шу билан бирга уларга ҳомиёлар томонидан ҳам мурувват ёрдами кўрсатилди. Халқро ноғиронлар кўни муносабати билан 1149 нафар уруш қатнашчиси ва ноғиронлар 260 миллион сўмлик қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Нурмурад ХўЖАҚУЛОВА,
Навоий вилоят касба уюшмалари Кенгаши раиси



ИШ ЎРИНЛАРИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Ўтган ҳисобот даврида касба уюшма кўмитаси иш бериувчи ва ҳодим ўртасида ижтимоий ҳамкор бўлиш нақадар самарали восита эканлигини амалда синаб кўрди. Тажриба шунини кўрсатмоқдаки, ижтимоий мулоқот томонларнинг бир-бирига таъсир ўтказиш бора-бора ҳар қандай сунъий тўсиқларни йўққа чиқаради. Жамоа шартномасида ифода қилинган амалдаги корхона ишчиларнинг меҳнат қилиш ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни кафолати боис, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаб камайиб кетса-да, 131-цех ишловчиларининг ишсиз бекор қолишига йўл қўйилмади.

Ана шу муҳим ҳужжатга таянган ҳолда касба уюшма кўмитаси маъмурият олдида ишчиларни бир қисмини сақлаб туриладиган меҳнат таътилига чиқариш, секин-аста бошқа цехлардаги бўш ўринларга жойлаштириш талабини қўйди. Худди шунингдек, янги иш ўринлари яратиш тақлифи киритилди.

Ҳисобот даврида жамоа шартномаси туфайли касба уюшмаси ҳисобидан турганлар ниҳоят маросимларда, турли саналарда, тўймаъракаларда, тадбирларда моддий кўмак олиш имкониятига эга бўлдилар. 119 миллион 839 минг сўм ана шу мақсадлар учун ажратилди. Икки-уч ёшгача болалар тарбияси билан банд бўлган аёлларга тўланадиган ойлик нафақа энг кам иш ҳақи миқдоридан белгиланди.

Қариллик нафақасига чиқувчилар ҳавас қиларли даражада тақдирландиган бўлдилар. Иш жараёнида жароҳат олган I, II, III-гуруҳ ноғиронлари пенсияларига эса кўшимча ёрдам пули ҳам ажратилмоқда. Шунингдек, санаторий-профилакторийда дам олиш, даволаниш имкониятига эга бўлмаганлар учун энг кам иш ҳақининг 1,5 баравари миқдорига бепул овқатланиш паттаси ажратиб берилди. Корхонада ижтимоий соҳани ривожлантириш биринчи галдаги вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Шу мақсадда «Ширин» маданият саройи, «Оф-

тобжон» болалар оромгоҳи, соғлиқни сақлаш санитария қисми, санаторий-профилакторий ва «Химик» ўйингоҳини таъмирлаш ва жиҳозлашга етарли миқдорда маблағ ажратилганининг ўзиёқ ушбу тадбирларга катта эътибор қаратилганини кўрсатмоқда.

Шу ўринда очик айтиш керакки, корхонада иш ҳақи тўлаш ҳамон ечимини топмаётган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Муаммо касба уюшма кўмитасининг йиғилишларида бир неча бор кўтарилди ҳамда маъмурият билан келишган ҳолда масалани ижобий ҳал этиш имкониятлари қидирилди. Ана шу мақсадда дўконларда иш ҳақи ўрнига хоҳлаганларга кундалик эҳтиёж моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилди.

Корхонамиз кўп тармоқли бўлгани учун касба уюшмасининг энг муҳим йўналишларидан бири-хавфсиз меҳнат шариоити яратиш, ишловчиларнинг санитария қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишини назорат қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдан иборат бўлиб келмоқда. Иш шариоитларининг яшиланиши, меҳнатга муносабатнинг шаклланиши боис кўнгилсиз ҳодисалар сони йилдан йилга қисқариб бора-япти.

Рашид ШАФИЕВ,
«Навоийазот» ишлаб чиқариш корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси

«ҲАМШИРА - 2004» ФОЛИБИ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма вилоят кўмитаси тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, янгидан ташкил этилган тиббиёт муассасаларида ишловчиларни умум ишига кенгрок жалб этиш тадбирларига катта эътибор қаратмоқда. Шуниси қувончлики, кейинги йилларда тизимда бир қатор сифат ўзгаришлари кузатилди. Айниқса, шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалининг ишга туширилиши аҳоли саломатлигини сақлашдаги муҳим қадамлардан бўлди. Ушбу Марказда ўтган давр мобайнида 20890 нафар бемор даволанди. Вилоятнинг қишлоқ ва маҳаллаларида 77 та қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Шуларнинг 60 таси замонавий асосда қурилди. Уларнинг барчасида касба уюшма гуруҳлари ташкил этилган. Вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш ҳусусийлашган ва шахсий шифохоналар ҳисобига ҳам амалга оширилмоқда. Уларда даволанувчиларни ижтимоий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида 3640 бемордан 319 нафари имтиёзли даволанишига эришилди.

Вилоятдаги қариялар ва ноғиронларга доимий гамжўрлик кўрсатилмоқда. Жумладан Навбахор туманидаги қарияларни даволаш ва гамжўрлик қилиш шифохонасига касба уюшма кўмитаси маблағи ҳисобидан жиҳозлар сотиб олиб берилди. Кекса ва дам олишга муҳтож тиббиёт ходимларидан 90 нафари касба уюшмаси ҳисобидан бепул «Ботаника» ва «Бўстон» сижатгоҳларига дам олишга юборилди. Деярли барча туманларда кекса тиббий ходимлар муқаддас қадамжоларда саёҳат ва зиёратда бўлиб қайтилар.

Тармоқ ходимларини дам олдириш яқини йўлга қўйилганини ўтган йилнинг биринчи ярмида 100 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи профилакторий ва санаторийларда дам олдирилгани, 200 нафардан зиёд болалар оромгоҳларда хордик чиқарганидан ҳам билса бўлади. Бу мақсад учун ижтимоий сугурта маблағларидан 10 миллион 945 минг сўм сарфланди. Вилоятда касб маҳоратини ошириш юзасидан кўрик-танловлар ўтказиш ҳам анъана тусига кирмоқда. Агар «Ҳамшира - 2002» кўрик-танловида Нурота тумани вакиласи ғолиб деб топилган бўлса, бундан уч-тўрт кун бурун Навоий шаҳрида ўтказилган Республика «Ҳамшира - 2004» кўрик-танловида қизилтепалик Нилуфар Эшонқулова ғолиб деб топилди ва «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди.

Аммо бу ўринда шунини таъкидлаш жоизки, нодавлат сектор фаолиятига вилоят кўмитаси эътибори ҳали етарли эмас. Кўмита раёсатларида улар фаолияти чуқур таҳлил этилмаган, амалий ёрдам етарли даражада кўрсатилмаган. Худди шунингдек, бошланғич ташкилотларга - ўқув семинарлари ўтказиш учун амалий ёрдам кўрсатишни тубдан яқшилаш талаб этилмоқда.

Арслон КАРИМОВ,
вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кўмитаси раиси

Қизилтепа туманида аҳоли саломатлигини сақлаш борасида кўплаб ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, марказий шифохонага қарашли шошилинч тиббий ёрдам бўлими шифохоналари хизматидан кўпчилик мамнун бўлаёттир. Негакки, ишчи юқори талабларда олиб бориш учун бўлимда барча қулайликлар мавжуд. Ўз ишининг фидойисини бўлган малакали тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатяпти. Шунингдек, маъмурият ва касба уюшма ташкилотининг соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида олиб бораётган ишлари ҳам муваффақиятлар омилли бўлиб хизмат қилмоқда.



И.ХАСАНОВ олган суратлар

ИШЧИ МАНФААТИ МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА

Корхона ходимлари билан маъмурият ўртасида жамоа шартномаси тузилган. Унинг бажарилиши маъмурият ва касба уюшма кўмитаси томонидан назорат қилиб боришмоқда. Шартномада белгиланган бандлар, яъни меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, бахтсиз ҳодисалар олдини олиш, иш ҳақини белгиланган муддатда тўлаш сингари талаблар ўз вақтида удалланмоқда.

Жамоа шартномасида меҳнатқашларнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилган. Бу – меҳнат қонунларини бузишга раҳбарнинг ҳам, олдиий ишчининг ҳам ҳаққи йўқ, дегандир. Ҳуқуқий давлат қуриш асоси ҳам ана шунда. Касба уюшма кўмитасига яқинда машина-таъмирлаш устaxonаси ҳайдовчилари Самандар Тўхтаев ва Ҳалим Тонго-таровлар ўз ишларига со-вуққонлик билан қараганлиги учун уларни вазифа-

сидан четлаштиришга розили сўралган хат тушди.

Касба уюшма кўмитаси аъзолари ҳар иккала ҳайдовчи билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашганларида улар ўз айбига чин дилдан

тузатишга, меҳнатда ўзларини кўрсатишларига имкон берди.

Шунингдек, касба уюшмаси меҳнатқашларнинг ёзма ва озаки шикоятлари, талаб ва тақлифлари билан лари учун 100 минг сўмдан ёрдам пули ажратилди. Ҳайвучи-талабалар Мирзо Хайруллоев ва Ботир Холбўтаевларга эса илмоғи билан тузилган шартнома пуллари тўланди.

Шуниси ҳайратланарлики, корхонамизда спортга эътибор ҳамisha биринчи галдаги вазифалардан саналиб келган. Бўлимлар ҳамда вилоят йўл ҳўжаликлари ўртасида спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Уларга 160 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. Тармоқ ходимлари ўртасида шу йил ўтказилган вилоят спартакиадасида корхонамиз спортчилари ҳам намунали иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллашди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳисобот даврида бундай муурожаатлар сони 200 дан ошди. Айтиш мумкинки, уларнинг аксарияти ижтимоий ҳимоя мақсадида йўналтирилган. Шу мақсадда Мухтор Жалилов, Уктам Самадов, Дилмурод Холиқов, Бобоқул Тўрабоев ва бошқаларга тўй харахат-



икрор бўлиб, бундай ҳолат қайта такрорланмаслигини билдириб, кечирим сўраганлиги учун маъмуриятдан уларни бошқа иш билан таъминлаш сўралди. Бу билан биз бир томондан ходимларнинг жамоадан ажраб қолишларига йўл қўймаган бўлсак, иккинчидан, уларнинг хатоларини

Доймо одамлар билан бирга бўлиш, дарду ташвишлари билан яшаш касба уюшмалари фаолиятининг асосини ташкил этмоқда. 2004 йил «Меҳр ва мурувват» йили деб эълон қилиниши муносабати билан йил бошидан

КАСАБА УЮШМА ФУТБОЛ ЖАМОАСИ

371 нафар кам таъминланган болалар рўйхатга олиниб, касба уюшмаси томонидан моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, турли байрамларда тармоқ ходимларидан 126 нафари 275 минг сўмлик кўмак олди. Туманлараро ўтказилаётган ҳар бир оммавий-маданий ёки спорт тадбирлари бизнинг доимий эътибо-

римизда. Ҳар йилгидек шу йилнинг февралда мақсатлараро ўтказилган Навоий газаллари кўрик-танлови ғолиблари касба уюшмаларининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Қизилтепада қариллик нафақаси-

га чиқаётган ходимларга ҳурмат-иззат кўрсатиш азалдан анъана тусига кирган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 60 нафар соҳа ходими бир пилёла чойга тақлиф этилди.

Касба уюшмаси туманда спортни ривожлантириш тадбирларига ҳам бош-қош. Яқинда вакиллик ҳомиёларида 12-13 ёшли болалардан футбол жамоаси тузилиб, мураббий бекитилди. Касба уюшмаси ҳисобидан 300минг сўмлик спорт кийим-боши ва жиҳозлари олиб берилди. Соҳа ходимларининг дам олиши ва соғлиқларини тиклаш учун республикамиздаги санаторий ва сижатгоҳларга 26 та имтиёзли йўлнамалар ажратилди.



Қаҳрамон МАҚСУДОВ,
Таълим ва фан ходимлари касба уюшма вилоят кўмитасининг Қизилтепа тумани бўйича вакили

БУНИ ТАДБИРКОРЛИК ДЕЙДИЛАР

Касба уюшма кўмитамиз нафақат Кармана туманида, балки вилоятда ҳам энг намунали ташкилотлардан бири сифатида эътироф этилган. Шундай экан, биз учун бу асло имтиёз эмас, балки масъулиятдир. Ютуқларимизнинг асоси эса ҳамжихатликда. Маъмурият ҳам, касба уюшма кўмитаси ҳам умумназоратдан ўтган жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини доимий назорат қилиб боради.

Ҳўжаликка кўп йиллардан бери ишбилармон, тадбиркор Одил Ражабов етакчилик қилади. Ишловчиларга барча шарт-шароитлар яратилгани, улар қалбига йўл топа билганимиз боис шўқри ҳар йили белгиланган режалар ошиғи билан удаланади. Бу аслида юзлаб хонадонларга қўт-баракка кирди, дегани. Жумладан, ҳўжалик ўтган йилни 195 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Шундан 55 миллион сўми ширкат аъзоларига пай улуши учун ажратилди. Бош пудратчи Шавкат Бахронов, Аслон Бобоқулов, Файрат Фаниевлар етакчилик қилган жамоалар ўтган йилда 10-15 миллион сўмдан даромад қилган бўлсалар, бу йил эса ундада баракалироқ бўлиши кўтилмоқда.


Мусобақалашиб ишлаш ютуқларимизнинг муҳим омилларидир. Бу расмиётчилик учун эмас, балки ишлаб чиқаришнинг синналган усулларидан бўлган ишнинг ҳўжалигимизнинг барча соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Мусобақа ҳар бир кишида яшириниб ётган куч-қувват, имкониятларини ишга солиш, белгиланган вазифаларни тез ва сифатли бажаришга имкон яратади.

Шу йил пахта йиғи-теримида энг юқори кўрсаткичларга эришган 9-бош пудрат ғолиб деб топилди рангли телевизор билан тақдирланди. 1-3-бош пудратлар эса телевизор, видеомагнитофон сингари рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиб бўлдилар. Терим илғорларига эса гилам, қимматбаҳо совғалар берилди. Натияжада пахта терими режаси 20 иш кунда бажарилди. Ҳосилдорлик эса 40 центнерга тўғри келди.

«Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан уруш, меҳнат фахрийлари, яқка-ёлғизлар, кам даромадли оилалар гамжўрлик қуршовига олинди. Уларга қарийб 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 135 тонна бугдой тарқатилди. Ишловчиларнинг дам олиши, соғлиқларини тиклашларига кўмаклашиш касба уюшмаларининг доимий вазифаларидан. Навоий тоғ-металлургия комбинати ёрдамида бу борадаги ишларни жонлантириш айниқса, қўл келмоқда. Шу асосда бу йил 50 киши санаторий-профилакторийларда дам олдирилди.

Ўткир РАЖАБОВ

Ўзбекистон Конституцияси халқаро экспертларнинг таъбирича, барча халқаро ҳуқуқ талаблари ва нормаларига мувофиқ келади. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлайди ва ҳақли равишда дунёда энг демократик конституциялардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон жамияти ва давлатининг демократик моҳияти, энг аввало, унинг халқ манфаатларини ҳимоя қилиши, унинг иродасини тўла акс эттиришида намоён бўлмоқда. Зеро, Ўзбекистон жамияти ва давлатининг асосий мақсаду вазифаси ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши ва уларни тўла амалга оширишдан иборат.



БОШ ҚОМУС: АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИ

Ўзбекистон давлати мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан фуқароларга кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берди, уни амалга оширишни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлади. Ўзбекистон Республикасида мавжуд ҳуқуқлар, эркинлик ва бурчлар тўғрисидаги қондалар шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга, ишлаб чиқаришда, давлат ва жамият ҳаётида кенг ташаббус кўрсатишга, меҳнатга онгли муносабатда бўлишга, инсонпарварлик, ахлоқий-маънавий тамойилларга қатъий риоя этишга қаратилган.

Бош Қомусимизда белгиланган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлариға меҳнат қилиши, дам олиши, қариғанда ёки меҳнат лавқатини йўқотганда моддий таъминот олиши, илм олиши, матбуот, виждон эркинлиги, шахсий ва уй-жой дахлсизлиги, ҳат эъзимларини сир сақлаш сингари ҳуқуқ ва эркинликлари қиради.

Мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини Конституцияимизнинг муҳим белгилари бўлиб, унда ёзиб қўйилган қондалар амалда бажарилиши учун алоҳида гамхўрлик кўрсатилади.

Мустақиллик Республикаимизда аёллар жамиятининг ҳамма соҳаларида кенг миқёсда иштирок этиши имконини берди, бу ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий мақсадларга эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу билан ҳам Ўзбекистон миллий сиёсатининг бош йўналиши аёллар аҳолини яхшилаш, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришда улар фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Конституцияимизнинг олти йиллиги муносаба-

ти билан ўтказилган тантанали йиғилишда Республика Президентини «Аёлларни қанча улугласак, ҳаётимизнинг чирғоғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демаки оилаимизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз», деган эди.

Конституцияимизда мустақамланган инсон ҳуқуқлари аёлларга ҳам тегишли бўлиб, унинг 46-моддасида «Аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқларга эгадирлар», дейилган.

Яшаш ҳуқуқи - барча ҳуқуқларнинг асосидир. Инсон ҳаёт экан унга ҳуқуқ ҳам, эркинлик ҳам керак. Аёلнинг ҳаёти, дахлсизлиги мазкур ҳуқуқнинг амалда жорий қилинишидир.

Конституциянинг 24-, 25-, 26-, 27-моддалари аёлларнинг ҳам шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди. Уларнинг шаъни, қадр-қиммати, номи ва обрўсига таъйиқ ўтказишга ҳеч қим ҳақли эмас, қийноққа солиш, азоблаш, зўрлаш, зўрлаш каби муносабатлар аёлнинг шахсий ҳуқуқига суяқасд деб қаралади. Халқаро мезонларга асосан аёлнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилиш вазифаси давлатга юклатилади.

Аёлнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳуқуқий муҳофазаланган бўлиши учун уларнинг бир қатор иқ-

содий ва ижтимоий ҳуқуқи таъминланган бўлиши лозим. Масалан, аёлнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, эркеклар билан тенг бўлиши ёки бир хил меҳнат учун аёлга ҳам, эркекка ҳам тенг ҳақ тўлиниши, шунингдек, ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларнинг тенглиги қабилар.

Аёлларнинг шахсий ҳуқуқлари қаторида яшаш жойининг, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, ёзишмалар сирини, телефон, телеграф, почта хабарларининг ҳам дахлсизлигини тушунамиз. Ўзбекистон Конституцияси томонидан бу ҳуқуқларнинг эътирофи этилиши кўшимча тарзда Жиноят-процессуал, Меҳнат ва бошқа Кодексларда ҳам мустақамланган.

Яшаш жойини танлаш ҳаракатлари ва кўчиш эркинлиги ҳуқуқи аёлларга Ўзбекистон ҳудудида бемаъл ҳаракатланиш имкониятини беради. Аёлларимиз

публикамизда қирқдан ортиқ аёллар нодавлат, нотижорат ташкилотлари мавжуд. Мамлакат аёлларининг мавқеини кўтариш борасида олиб борилаётган саъи-ҳаракатни муваффақиятли амалга оширишда нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳам улкан ҳисса қўшаётти.

Халқаро ҳамжамият томонидан аёлларнинг тенглиги ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик борасида ўнлаб халқаро ҳужжатларнинг қабул қилинаётгани мазкур муаммо барча инсониятни ўйлантираётганини кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам аёлларнинг юридик тенглигига эришилган. Улар Оила Кодекси, Фуқаролик Кодекси ва Меҳнат Кодексида қонуний мустақамлаб берилган ҳуқуқ ва имтиёزلардан баҳраманд бўлишмоқда.

1999 йил мамлакатимизда «Аёллар йили» деб эълон қилинди. Шу билан бирга Вазиirlар Маҳкамасининг қарори билан оилада, давлат ва жамият куралишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун Давлат дастури ишлаб чиқилди. Аёлларни ижтимоий ҳимоялаш борасида Президентимизнинг 1999 йил мартда «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазиirlар Маҳкамасининг «Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадиға имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Хукумат Хотин-қизлар қўмиталарининг ишини танқидий таҳлил этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан уни таъминлашнинг ташкилий, тарғибот чоралари дастурини қабул қилди. Буларнинг ҳаммаси аёлларга кўрсатилаётган бекикс меҳрибонликнинг амалий кўринишидир.

Ноҳира АЧИЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди эксперти

СИЁСИЙ РАҚОБАТ ВА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР

(Боши 1-бетда)

Аслида сиёсий рақобатни назарда тутадиган демократия энг мураккаб тизим ҳисобланади. Бунинг учун ўз манфаатларини англайдиган, ушбу манфаатлар бўйича ҳокимият учун кураш олиб борадиган сиёсий партиялар кўринишида тарқиблаша оладиган фуқаролик жамияти мавжуд бўлиши лозим. Бунда айнан тарқиблаша олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки шунчаки рақобат равнақ топтиради ва демократияга олиб бормайди. Рақобатга эриштиш ва уни тарқиблашган ҳолга келтириш, бошқача айтганда, муайян қондалар асосида амал қиладиган, муайян институтлар доирасида ишончли ҳаракат қиладиган ҳолга келтириш - гоёт мураккаб вазифа. Айниқса, бундай рақобатнинг ўзини ўзи тартибга солиши ҳам ҳисобга олинмайдиган бўлса, у йўқолиб кетмаслиги аён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов собитқадамлик билан олиб бораётган сиёсат ва амалга оширилаётган демократик ислохотлар мамлакатимиз сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топишига йўналтирилган. Сиёсий партиялар аҳоли муайян қатламларининг, фуқаролар ҳамда улар уюшмаларининг фикрини, нуқтаи назарини ифодалашнинг муҳим демократик воситасидир. Бошқача айтганда, сиёсий партиялар ҳозирги замон демократия тизимининг ажралмас таркибий қисми, сайлов кампанияларининг асосий иштирокчиларидан бири сифатида чинакам сиёсий рақобат воситаси, ҳокимият учун кураш усули ҳисобланади.

Бир партияли турли сиёсий режимилар амал қилган яқин ўтмишдаги таърибга жамиятни бу тарзда сиёсий ташкил қилиш гоёт самарасиз эканлиги тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиш учун асос беради. Бинобарин, яқка партия ҳукмронлиги натижасида, одатда, авторитар ва тоталитар ҳижатлар устувор аҳамият касб этадиган сиёсий режимилар ўрнатилади. Бундай шарoитда сиё-

сий рақобат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Жамиятда ҳокимият функциялари бир партия томонидан узoқ вақт монополия қилиниши (партия уларга умуман амал қилмаслиги лозимлиги), одатда ўз натижаларига кўра ҳалокатли оқибатларга олиб келишига ва энг аввало, демократия мутлақо маънодан маҳрум бўлишига, халқ - ҳокимиятдан ва ҳокимият - халқдан буткул ажралиб қолишига КПСС мисолида ишонч ҳосил қилганмиз. Андиқроқ айтидиган бўлсак, коммунистик ҳуқуқий мафкура замонда «ҳокимият илоҳийлашган ҳолда дастлаб - пролетариат диктатураси ва инқилобий ҳуқуқий онг, кейинроқ - сталинча, брeжнeвчa сиёсий тузумда «КПССнинг раҳбарлик рoли» ва «социалистик қонунчилик» кўринишларида намоён бўлган.

Бундан ташқари, сиёсий ҳокимиятнинг монополия қилиб олиш субъективизми ва валютаризмга йўл очади, ҳокимият ваколатига эга бўлганларни бузади, фуқаролик жамиятини емиради ва узлуқсиз бўҳронларни муқаррар равишда келтириб чиқаради.

Кўппартиявийлик - фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми. Жамиятда фаолият олиб бораётган турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар манфаатлари, мақсадлари, эҳтиёжлари ва ниятлари айнан кўппартиявийлик, шунингдек, бошқа жамоат ташкилотлари орқали аққол аниқлашга эришилади. Кўппартиявийлик принципини қонуний асосга қўйиш жамиятда барча сиёсий партиялар ва оқимлар вакиллари ўртасида мулоқотни ташкил қилиш, мунтазам равишда олиб бориш, сиёсий фаолиятнинг асосий демократик нормалари бўйича консенсусга эришиш ҳамда бу доирани кенгайтириш сиёсий экстремизмни бартараф этиш имконини беради. Кўппартиявийликнинг бирон-бир партия ёки гуруҳ томонидан сиёсий ҳокимиятнинг монополия қилиб олинишига тўсқинлик қилиш функциясини ҳам унутмаслик даркор.

Айни ҳолда кўппартиявийлик жамиятга таҳдид соладиган барча му-

сибат ва хавф-хатарлардан қўтқариб қолувчи куч ҳам эмаслигини ёдда тутиш керак. Кўппартиявийлик асло сиёсий фаолият қафoлати эмас, балки сиёсий рақобат учун зарур бўлган дастлабки шарт-шaroитдир.

Кўппартиявийликни фақат жамиятда бир партия ўрнига бир нечта партия юзага келган вазият деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди. Партиялар бир нечта ва ҳатто кўп бўлиши ҳам мумкин. Бироқ уларнинг сиёсий ҳараёндаги ҳақиқий иштироки фақат раъий, микдорий таркиби ва ташкилий тузилиши ичм, фақат ҳужақўрсингагина бўлса, жамиятда кўппартиявийлик айниқса, сиёсий рақобат мавжудлиги тўғрисида умуман гапирмас ҳам бўлади.

Чинакам кўппартиявийликни шакллантириш учун муайян шарт-шaroит мавжуд бўлиши тақозо этилади. Бундай шарт-шaroитнинг йўқлиги ёки аниқ тарихий вазиятда етукликнинг камлиги яқка партиянинг сиёсий ва мафкуравий монополиясидан кўппартиявийликка ўтиш жараёнда ўз ичига қолдиради. Шунингдек, бу ҳол мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ҳар қандай мулоҳаза юритишда ҳисобга олиш зарур бўладиган бир қатор муаммолар ҳамда зиддиятларни келтириб чиқаради.

Жамият иқтисодийнинг кўп укладлилиги, ўзига хос ижтимоий манфаатларга эга, тегишли сиёсий-ҳокимият муносабатлари орқали қўллаб-қувватланиш ва рўёбга чиқарилиши талаб қилувчи гуруҳлар шаклланишига кўппартиявийликни аюжудга келтиришнинг туб объектви шартдир. Жамиятни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан хилма-хил қилишнинг бу йўналиши сиёсий плаурализм сари қудратли илҳомбахш рақобатдир, кўппартиявийлик эса унинг таркибий қисмларидан биридир.

З.ИСЛОМОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор
(Давоми бор)

«СОЛИТЕКС» БЕЛГИСИ БИЛАН

Учқўприк туманидаги «Солитекс» масъулияти чекланган жамиятда баҳмал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир юз нафардан ортиқ хотин-қиз дастгоҳларини моҳирлик билан бошқармоқда. Яна ўттиз қиз иш ўрганилган. Корхонада кунига 700 метрча сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

(ЎЗА)

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жанoблар! Давлат мулки қўмитаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қўйидаги мулклар қўйилган:

- Тошкент шаҳар, Нилуфар кўчаси, 30-манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофaа вазирилгига қарашли «Тошкент темир-бетон тузилмалари полигони» корхонаси. **Бошланғич баҳоси 2051630,74 миң сўм.**
- Жиззах шаҳар, Навоий кўчаси, 326-манзилда жойлашган 1-сонли автомобилларга ёқилиш қўйиш шохбoчаси (1-АҚШ). Бошланғич баҳоси - 45395,0 АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича сўмда.
- Хоразм вилоятида жойлашган «Оролбўйи» ягона дирекцияси ишлаб чиқариш базасининг бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси - 57796,2 миң сўм.**
- Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманида жойлашган «Асаларчилик» давлат ижара ҳўжалиги. **Бошланғич баҳоси - 3683,22 миң сўм.**
- Хоразм вилояти, Урганч туманида жойлашган «Хоразмавтойл» шўба корхонасига қарашли «Отчопар»-**Бошланғич баҳоси - 37525,8 миң сўм.**
- Хоразм вилоятида жойлашган Хонқа йўл ҳўжалиги туман пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонасига қарашли консерва цехи. **Бошланғич баҳоси - 35631,4 миң сўм.**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жанoблар! Иқтисодийнингизни бой берманг.

Савдоларга Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишига Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Маълумотлар:
Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 масъни, Маҳаммад Ҳазратов кўчаси, 1-А» уй.
Телефонлар: 136-15-28, 136-26-26, 133-25-21.
Факс: 136-06-17.
www. rkmb. uz лицензия рақами: 000004



Халқимизда «Оғримаган бошимга олти таёқ» деган матал бор. Зеро, эътиборсизлик, ҳафсаласизлик, ҳуқуқий саводсизлик оқибатда «таёқнинг бошимизда синишига баъзан ўзимиз сабабчи бўлаётганимиз ҳақиқат. Аммо авдлия, суяқ-ҳуқуқ соҳасининг одами бўла туриб, амалдаги қонунларни назар-ниҳон қилмаётган, фуқароларни сарсон-саргардон этаётган шахслар ҳақида нима дейиш мумкин? Қелинг, яхшиси воқеани бир бошдан эшитинг.

Ҳабибулло Рўзиев наварларини ҳовли-жойли бўлишини кўпдан буюн орзу қилиб юради. Хайриятки, орзуси амалга ошадиган бўлди. Қўрғонтепа шаҳар «Янги ҳаёт» маҳалласи ҳудудига 17-уйнинг Баҳодир Аҳмедовга тегишли 9-хонадони савдога қўйилганлигини дахбар топти. Тумонлар учрашиб савдога киришди. Турар-жой баҳоси 1 миллион 250 миң сўм қилиб белгиланди. Савдо-сотқач маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Иброҳимов гувоҳ сифатида иштирок этди. Аммо бунда амалдаги қонунлар четлаб ўтилди. Езма битиш билан нотариясуд тасдиқдан ўтказилмади, огаки ҳал этилди.

Кейинчалик бу турар-жой уч марта қўлдан-қўлга ўтгани, дастлаб бу уйда Қўрғонтепа туман судининг собиқ раиси Шавкат Зайдинов ис-

чининг бошида «айлана бошлади». Бу ҳали оворагарчиликнинг бошланиши эди. Баҳодир Аҳмедов Одил Турғуновни қидириб топди. Кейин икковлон биргаликда Ш.Зайдиновни излашга тушдилар. У Жалақудук туманининг Охунбобоев шахрига кўчиб кетган,

лаб қила бошлади. Шу ўринда, собиқ суд раисининг О.Турғуновга берган тилхатини келтириш жоиз: «Қўрғонтепа шаҳар МКР (миқройон демок) 17-уй, 9-хонадон Одил Турғуновга 1998 йилда 180 миң сўмга, кейин хусусийлаштириш ва расмийлаштиришга сотганман. Лекин ҳокимликнинг фармони эди қарори билан судралиб келмоқда. Қонуний ҳал қилиб бераман. Имзо. Сана.»

Тумтарoқ тилхатдан турар-жой ҳали-ҳануз унинг мулки эмаслигини тушуниш қийин эмас. Қўрғонтепа туман ҳокими Т.Бобоҳоновнинг 1993 йил 30 сентябрда қабул қилган 340-сонли қароридан коммунал-ҳўжалик бўлимига қарашли хизмат бинолари рўйхати келтирилди. Бу рўйхатга собиқ суд раиси яшаган 17-уйдаги 9-хонадон ҳам киритилганлиги, хизмат уйлари бўлганлиги боис хусусийлаштирилмаслиқка қарор қилинганлиги кўрсатилган. Ҳўш, давлат турар-жой фонди ҳис-

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

(Боши 1-бетда)

67-савол. Сиёсий партиялар Ўзбекистон сайлов қонунчилигига биноан, нечтагача депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин?

Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида мустақамлангандек, Ўзбекистон ҳудудида бир юз йиғирма (120та) сайлов округлари ташкил этилади, шу бoис, сиёсий партиялар ҳар бир сайлов округидан биттадан,яъни 120 та номзод кўрсатишлари мумкин.

68-савол. Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш тартиби қандай?

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, тақрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайловга ўтказилаётган тақдирда эса у кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олиниш рад этиш ҳақида қарор қабул қиладди.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин гуруҳнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкалари берилди.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳини

рўйхатга олиш рад этилган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилгандан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоиз миқдорда номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб, бу мартгагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исминини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган кунини ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортнинг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг имзо тўплаган аъзоси, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исминини, яшаш жойи манзилини, паспортнинг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиб, яшаш жойида, сайловчида тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига олдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

(Давоми бор)

Ажаб савдолар

будаги хонадонни Ш.Зайдинов бошқа шахсга сотишига қандай асос бор эди? Охир-оқибат иш судгача бoриб етди. Ҳабибулло Рўзиев уй учун тўланган пул ундирилишини сўраб фуқаролик ишлари бўйича Ҳўжаобод туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Даъво аризасидаги ҳолатларни аниқлаш бўйича даъвогарлар, жаообгарлар Ҳўжаободга роса катнашди. Бу оворагарчилик хонадонларга қанчалик қимматга тушганини айтмай қўйолмадик. Ниҳоят, шу йилнинг 22 июн кунини суд мажлиси ўтказилди. Барчиной Тожибоева раислигида ўтган ушбу суд мажлиси Х.Рўзиевнинг даъвосини қаноатлантириб, жаообгар Б.Аҳмедовдан 900 миң сўмни ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Биз суднинг қарорини муҳокама қилиш фикридан узoқми. Фақат айрим фикрларни ўртага ташламоқчимиз ҳолос. Қарорда мавжуд ҳужжатлар атрофида урганлигини ургу берилган. Шундай экан, жаообгар Б.Аҳмедовнинг давлат уй-жой фондига қарашли турар-жойини Ш.Зайдинов томонидан ўзига сотиб юборилганлиги ҳақидаги кўрсатмаси эътиборсиз қолдирилганлиги кишини ўйлантиради. Ҳолбуки, иш юритиш ҳужжатлариға собиқ суд раисининг ўқорида энкр қилинган тилхати тикланган эди. Қолаверса, Фуқаролик Кодексидаги битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик талаби нега Б.Аҳмедовга нисбатан қўлланадигу, собиқ суд раиси Ш.Зайдиновга қанганда сукот сакланди? Янаям ҳайратланарлиси, Шавкат Зайдиновнинг судда қатнашмаётганлиги сабаби ҳақида изох сўралганда, раис гувоҳ билан телефон орқали гаплашганини айтиб қўя қолади. Бoз устига, тумонлар суд қарорини олпа-роса 3 обдан кейин қондалари-чи?

Ҳа, ҳуллас изохталаб савдолар кўп. Уларга фақат адолат тантанаси тўғрисидагина ҳўяли жаовоб топши мумкин. Шундай эмасми?
Собирқон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

